

АМЕРИКА ВА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИ

PhD Аҳмаджонов Азимжон

Тошкент Кимё халқаро университети

ORCID: 0009-0009-6147-7770

akhmadjonov@tpp.uz

Аннотация. Мазкур мақолада Америка ва Осиё давлатларининг аудиторлик фаолиятини ташкил этиш тизими ўрганилган. Тадқиқот доирасида АҚШ, Канада, Мексика, Панама, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур ва БАА давлатларининг аудит стандартлари, назорат қилувчи органлари ва аудиторларга қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларида турли мамлакатлар аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: аудиторлик фаолияти, аудит стандартлари, назорат органлари, халқаро тажриба, молиявий ҳисоботлар.

ОПЫТ ПРОВЕДЕНИЯ АУДИТОРСКИХ ПРОВЕРОК В СТРАНАХ АМЕРИКИ И АЗИИ

PhD Аҳмаджонов Азимжон

Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В данной статье изучена система организации аудиторской деятельности в странах Америки и Азии. В рамках исследования проанализированы стандарты аудита, контролирующие органы и требования к аудиторам в США, Канаде, Мексике, Панаме, Японии, Южной Кореи, Китае, Сингапуре и ОАЭ. В результате исследования выявлены специфические особенности организации аудиторской деятельности в этих странах и показаны возможности использования опыта развитых стран.

Ключевые слова: аудиторская деятельность, стандарты аудита, контролирующие органы, международный опыт, финансовые отчеты.

EXPERIENCE OF CONDUCTING AUDIT INSPECTIONS IN THE COUNTRIES OF AMERICA AND ASIA

PhD Akhmadjonov Azimjon

Kimyo International University in Tashkent

Abstract. This article examines the system of organizing audit activities in American and Asian countries. The research analyzes audit standards, regulatory bodies, and requirements for auditors in the USA, Canada, Mexico, Panama, Japan, South Korea, China, Singapore, and UAE. The research results identified specific features of organizing audit activities in countries and showed possibilities of using the experience of developed countries.

Keywords: audit activity, audit standards, regulatory bodies, international experience, financial reports.

Кириш.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда аудиторлик фаолиятини тизимли равишда такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилиши мазкур соҳада юқори сифат ва шаффофлик стандартларини таъминлашга қаратилган стратегик ёндашув ҳисобланади. Аудит соҳасидаги меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва амалиётда қўлланилиши аудит институтлари ҳамда уларнинг тегишли кўмиталари томонидан назорат қилинади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, аудиторлик фаолиятини самарали ташкил этиш учун мустақкам қонунчилик базаси, профессионал стандартлар ва назорат тизимлари йўлга қўйилиши зарур. Бу жараённинг эволюцион ривожланиши аудит стандартларининг ишлаб чиқилиши ва ўрнатилиши, касбий тайёргарлик ва малака ошириш, касбий ва ахлоқий қоидалар, назорат ва текшириш механизмлари каби асосий элементларни ўз ичига олади.

Адабиётлар шарҳи.

Аудиторлик фаолиятини халқаро миқёсда ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Хорижлик олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида аудит тизимининг ривожланиши, халқаро стандартларнинг қабул қилиниши ва мамлакатларнинг миллий хусусиятлари кенг ўрганилган.

Аудиторлик фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлардан бири – мустақиллик ва холислиқдир. Халқаро аудит стандартларида (ISA) аудиторлар текширув жараёнида мустақил ва манфаатлар тўқнашувидан холи бўлиши кераклиги қатъий белгиланган (IAASB, 2023). Бу принципнинг таъминланиши аудитор хулосасининг ишончли ва адолатли чиқишига замин яратади.

Аудиторлик назариясида ҳам ушбу жиҳат кенг ёритилган. Масалан, Arens, Elder ва Beasley (2014) таъкидлашича, аудитор хулосасининг қиммати унинг мустақиллиги ва далилларга асосланганлиги билан белгиланади. Уларга кўра, аудитор ўз ишида етарли ва ишончли далиллар тўплаб, холис қарор чиқариши зарур.

Халқаро иқтисодий жараёнларда аудиторлик тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан умумий меъёрларга мувофиқлиги билан белгиланади. IAASB томонидан ишлаб чиқилган халқаро аудит стандартлари (ISA) 130 дан ортиқ давлатларда амал қилиб, умумий тизимнинг шаффофлигини таъминлайди (IAASB, 2023). Шу билан бирга, ISO 19011 стандарти менежмент тизимларида аудит дастурларини бошқариш, аудитчилар малакасини баҳолаш ва самарадорликни таъминлаш учун муҳим йўриқнома ҳисобланади (ISO, 2018).

Hayes, Wallage ва Gortemaker (2014) ҳам халқаро стандартларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уларни глобал иқтисодиётда молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминловчи асосий меъёр сифатида баҳолайдилар.

Аудиторлик фаолиятини ташкил этишда ички аудитнинг тузилмавий жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга. Institute of Internal Auditors (IIA) ўзининг IPPF (International Professional Practices Framework) орқали ички аудитнинг мақсади, ваколатлари ва масъулиятини белгилайди (The IIA, 2020). Ички аудитнинг самарадорлиги алоҳида бўлим, етарли ресурслар ва аудит харитасига эга бўлиш билан таъминланади (The IIA, 2024).

Flint (1988)нинг фикрига кўра, аудитнинг ижтимоий аҳамияти унинг фақат молиявий назорат функцияси эмас, балки жамият ишончи ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи механизм сифатида қаралишида намоён бўлади.

Замонавий аудит амалиётида хавфларга асосланган ёндашув тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. IIAнинг “Core Principles” ҳужжатларида хавфларни баҳолаш ва уларни устувор тартибда текшириш аудит жараёнининг қиймат қўшиш функциясини ошириши қайд этилган (The IIA, 2020).

Porter, Ó hÓgartaigh va Baskerville (2012) ўз тадқиқотларида жамият кутган натижалар билан аудитор ишининг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги фарқни (audit expectation gap) хавфларга асосланган ёндашув орқали қисқартириш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Аудиторлик фаолияти самарадорлиги ҳисобот бериш тизими ва унинг очиқлиги билан ҳам белгиланади. IFAC (2019) тадқиқотларида қайд этилганидек, аудит қўмиталарининг самарали ишлаши учун очиқ ҳамкорлик, стратегик кун тартиби ва тўғридан-тўғри директорлар кенгашига ҳисобот бериш муҳимдир.

Humphrey (1997) эса аудитнинг ташкилий жиҳатларини таҳлил қилиб, унинг асосий вазифаси бозор иштирокчилари учун ишончли ахборот бериш ва ижтимоий ишончни сақлашдан иборатлигини таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот кўп босқичли ва комплекс ёндашув асосида амалга оширилди. Тадқиқотнинг методологик асоси қиёсий институционал таҳлил, контент-таҳлил ва тизимли ёндашув принципларини бирлаштиради. Тадқиқот дескриптив-аналитик характерга эга бўлиб, унда кўп мамлакатли қиёсий кейс-стади усули қўлланилди.

Шунингдек, турли мамлакатларнинг аудит тизимларини солиштириш учун қиёсий таҳлил; аудиторлик фаолиятининг барча жиҳатларини комплекс ўрганиш учун тизимли таҳлил; қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш учун контент-таҳлил; назарий хулосалар чиқариш учун индукция ва дедукция усулларида фойдаланилди. Тадқиқотда расмий статистик маълумотлар, халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари ва тадқиқ этилган мамлакатларнинг қонунчилик базасидан кенг фойдаланилди.

Турли манбалардан олинган маълумотларни триангуляция усули орқали текшириш амалга оширилди. Расмий ҳужжатлар билан бирга, касбий ташкилотларнинг материаллари ва мустақил тадқиқотчиларнинг ишлари солиштирилди.

Тадқиқот натижалари мавжуд илмий адабиётлар билан солиштирилиб, мувофиқлик даражаси баҳоланди. Бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган хулосалар билан ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланди. Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш жараёнлари стандартлаштирилди. Барча босқичлар ҳужжатлаштирилиб, такрорлаш имкони таъминланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


АҚШда аудиторлик фаолияти турли ҳокимият органлари ва касбий гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда федерал ва маҳаллий даражадаги назорат хизматлари, шунингдек, хусусий сектордаги аудиторлик фирмалари фаол иштирок этади. Қонунчилик ҳокимияти назорат хизматининг Бош ҳисобга олиш хизмати аудиторлик персоналининг асосий мажбурияти Конгресс учун аудиторлик функциясини бажаришдан иборат. Ушбу орган федерал ҳукуматнинг молиявий ва маъмурий фаолиятини текшириш, шунингдек, федерал дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш билан шуғулланади.

Ички солиқ хизмати федерал солиқ қонунлари ижросининг назоратига жавоб беради ва америкаликларнинг солиқ декларацияларини текшириш, солиқ қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш ва солиқ қарзларини ундириш билан шуғулланади. Ички хўжалик аудиторлари алоҳида компания ва ташкилотлар томонидан уларнинг маъмуриятини аудитдан ўтказиш учун ёлланади ва корпоратив бошқарув, хавфларни бошқариш ва ички назорат тизимлари самарадорлигини баҳолашга қаратилган ички текширувларни ўтказиши.

Дипломга эга жамоат бухгалтерлари йирик, кичик ва нотижорат компанияларнинг молиявий ҳисоботларини текшириш билан шуғулланади ва аудиторлик, солиқ маслаҳатлари, молиявий режалаштириш ва бошқа молиявий хизматларни тақдим этади.

2007 йилда AICPA 8 та жамоат аудиторлик компаниялари билан биргаликда янги ташкилот – Аудит сифати марказини тузди. Бу марказ ҳозирги вақтда АҚШнинг 650 га яқин аудиторлик фирмаларининг ишини бирлаштиради. Янги ташкилотга аъзо бўлиб кириш барча аудиторлик компаниялари учун очик. Марказни тузишдан асосий мақсад молиявий бозорлар глобаллашуви ва молиявий тизимнинг мураккаблашуви шароитларида инвесторларга ёрдам кўрсатишдир.

АҚШда аудиторлик ташкилотлари якка тартибда эгалик қилиш, шериклик ва касбий корпорация шаклларида тузилиши мумкин. Ҳозирги вақтда АҚШда 50000 дан ортиқ аудиторлик фирмалари фаолият юритади ва уларни тўрт тоифага гуруҳлаш мумкин: “Катта тўртлик”, халқаро салоҳиятга эга бошқа миллий фирмалар, йирик маҳаллий ва ҳудудий фирмалар ҳамда кичик маҳаллий фирмалар. Ушбу аудиторлик ташкилотлари томонидан қуйидаги уч тоифа хизматлар тақдим этилади (1-расм):



**1-расм. АҚШнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан
уч тоифадаги хизматлар таркиби**

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Канадада Бош аудитор бошқармаси давлат молиявий назорати олий органи сифатида муҳим вазифани бажаради. Бош аудиторнинг асосий мақсади федерал ҳукуматнинг молиявий фаолиятини, шунингдек, унга ажратилган маблағларнинг самарадорлигини текширишдан иборат. Бу орган давлат маблағларининг қандай сарфланаётганини ошкор қилади, давлат дастурларининг самарадорлигини текшириш ва Канада парламенти ҳамда аҳолига молиявий ҳисобот ва тавсияларни тақдим этади.

Бошқарув аудити жамоат секторида муҳим стратегик восита сифатида ташкилотнинг самарадорлиги ва қонунга мувофиқлигини текшириш учун ишлатилади. Текширувларни режалаштириш жараёни жуда муҳим ҳисобланади, ва кўп ҳолларда, бир неча йилларни қамраб олади. Аудит режасини тузиш таҳлил натижаларига асосланган ҳолда амалга оширилиб, юқори рискли объектларни ўз ичига олади.

Мексика декларацияси давлат назорати, давлат аудити ва аудит соҳасидаги иккинчи асосий доктринал ҳужжатдир. У Лима декларацияси ва XVII Конгрессда қабул қилинган қарорлардан келиб чиқадиган саккизта асосий тамойилни давлат секторидаги аудит ва тармоқлар фаолиятида аудитни тўғри олиб бориш учун зарур шартлар сифатида қабул қилади.

Молиявий секторни тартибга солувчи органлар ўзлари тартибга соладиган компаниялар учун бухгалтерия ҳисобининг тармоқ қоидаларини белгилаш ҳуқуқига эга. Мексиканинг амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, биржада рўйхатга олинган компаниялар ва даромадлари маълум чегара белгиларидан ошиб кетадиган компаниялар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари керак.

Панамада 1927 йилги “Компаниялар тўғрисида”ги Қонун компанияларнинг тузилишини белгилайди. 2021 йилдаги 280-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун билан ўзгартирилган Савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги агентлик Бухгалтерия ҳисоби техник кенгашига бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини белгилаш ваколатини беради. Солиқ кодекси белгиланган мезонларга жавоб берадиган компаниялар учун мажбурий қонуний аудитни талаб қилади (2-расм).



2-расм. Панамада мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун асосий талаблар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, Панамада аудитор фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахслар махсус сертификатга эга бўлишлари шарт. Панамада мустақил аудит назорати механизмлари мавжуд эмас, қонунан, Савдо ва саноат вазирлиги қошидаги Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши агентлиги бухгалтерия касбини тартибга солиш учун масъул шахс сифатида тан олинади.

Японияда аудиторлик фаолиятининг ривожланиши ва ташкил этилиши маҳаллий маданият ва иқтисодий тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятларига мос келади. Японияда аудиторлик хизматлари бозорини бошқариш ва назорат қилишда Сертификатлаштирилган жамоатчилик бухгалтерлари институти асосий роль ўйнайди. Бу институт аудиторлик касбини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи марказий ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. Институтнинг вазифалари сертификатлаштириш, қайта тайёргарлик ва касбий ривожланиш, касбий стандартлар ва этика қоидалари, аудиторлик ҳисоботларини ўз ичига олади. Японияда аудиторлар фаолияти Молия вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади.

Жанубий Кореяда аудиторлик фаолияти ва корпоратив бошқарув тизими Япония тажрибаси ҳамда ўз миллий анъаналарига асосланган ўзига хос моделни яратиш орқали ривожланган. 1990-йиллар ўрталарига келиб корпоратив бошқарувда муҳим ўзгаришлар юз берди ва қонунчилик орқали давлат иштирокидаги чекланган сонли компаниялар учун ташқи директорларни жалб қилиш мажбурий қилиб қўйилди.

1997 йилги Осиё молиявий инқирозидан кейинги тикланиш даврида Молиявий тартибга солиш Давлат комиссияси халқаро тавсияларга асосланган ҳолда мамлакатдаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини қайта кўриб чиқиб, уларни халқаро стандартларга мослаш учун зарур ўзгаришларни амалга оширди.

1995 йил 1 январда “Хитой Халқ Республикасининг аудит тўғрисидаги қонуни” эълон қилинди. Унга мувофиқ, давлат тафтиш органлари ва унинг аудиторлари учун ўзига хос функциялар, ҳуқуқлар, мақсадлар, аудит тафтишлари стандартлари ва аудит жараёнлари расмий равишда белгиланди. Шунингдек, унда аудитнинг учта асосий тамойили ҳам белгиланган: мустақиллик, холислик ва қонунийлик (3-расм).



3- расм. “Хитой Халқ Республикасининг аудит тўғрисидаги қонуни”га мувофиқ аудитнинг асосий таможилари

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

1994 йил 1 январда Хитойда “Сертификатланган юқори малакали бухгалтерлар тўғрисидаги қонун” эълон қилинди. Хитой аудит хизматлари бозорида ҳали ҳам “катта тўртлик” вакиллари ҳукмронлик қилмоқда. Хитойнинг 5600 дан ортиқ аудиторлик компанияларидан фақат 70 тасигина рўйхатга олинган листинг корхоналарга профессионал хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

2021 йил якунига келиб республикада 8605 та аудиторлик фирмаси ва 237203 нафар аудиторлар фаолият юритган. Ҳозирги вақтда Хитойда аудит бозорининг тузилиши “4-10-200-8000” схема шаклида ифодаланади: халқаро “катта тўртлик”, 10 та “катта” миллий аудиторлик фирмалари, 200 та “ўрта” аудиторлик фирмалари ва 8000 та “кичик” ихтисослаштирилган аудиторлик фирмалари.

Сингапур қонунчилигига мувофиқ, аудит мажбурий тартибда ўтказилади ва барча ташкилотлар Сингапурнинг аудит қоидаларига риоя қилишлари шарт. “Сингапур компаниялари тўғрисида”ги Қонун компанияларни аудитдан ўтказишни талаб этади. Сингапурда аудит бўйича марказий тартибга солувчи орган Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи ҳисобланади.

Сингапурда барча юридик шахслар аудит текширувларини тақдим этишлари шарт, аммо баъзи компаниялар аудитдан ўтишдан озод қилинган. 2014 йилги “Компаниялар тўғрисида”ги Қонун кичик компанияларни аудиторлик текшируви ўтказилишидан озод қилишга қаратилган тузатишни киритди. Энди гарчи барча субъектларда аудит ўтказилиши мажбурий бўлса-да, аудитдан озод этилган муайян субъектлар бор. Аудит ўтказилмайдиган ташкилотларга қуйидагилар киради (4-расм):



4- расм. Сингапурда юридик шахсни кичик компания сифатида таснифлаш учун бажарилиши лозим бўлган талаблар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Бирлашган Араб Амирликларида бизнес юритиш шарт-шароитлари дунёдаги энг қулай шароитлардан бири бўлиб, бу ерда солиқлар ва экспорт-импорт божлари деярли йўқ, бюрократик тартиб-таомиллар минимал даражада, аудит ўтказиш ва бухгалтерия

ҳисоботи тартиб-таомиллари бошқа мамлакатларга қараганда анча соддалаштирилган. Офшор компаниялар молиявий ҳисоботи ва аудитига маълум талаблар мавжуд. БААда ҳар қандай бизнес тури учун бухгалтерияни юритиш, аудиторлик хизматлари, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҚҚС ҳисоби бўйича тўлиқ хизматлар доирасини кўрсатадиган кўплаб компанияларни топиш мумкин.

Шундай қилиб, Америка мамлакатларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш тизимини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни берди:

АҚШда аудиторлик фаолияти бошқа давлатларда учрамайдиган тизим асосида бошқарилади. Бутун бир мамлакат учун ягона қонун йўқ ва штатлар ўзлари учун қонун ишлаб чиқиш ваколатига эга. Аудиторлик ташкилотлари жуда кўп турдош хизматларни кўрсатади; Канадада аудиторлик фаолияти тўлиқлигича давлат томонидан назорат қилинади ва ҳар бир йўналишга маълум миқдорда объектлар бириктирилган; Мексикада мустақил аудиторлик назорати мавжуд эмаслиги иқтисодиётнинг айрим секторлари томонидан алоҳида назорат олиб борилишига сабаб бўлмоқда; Панама оролларида эса, Савдо ва саноат вазирлиги қошидаги Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши аудиторлар ва бухгалтерия касбини тартибга солиш учун масъул ташкилот сифатида тан олинади.

Осиё мамлакатларининг аудиторлик фаолияти таҳлили эса қуйидаги хулосаларни чиқаришга хизмат қилди:

Японияга бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ғарбий моделларини жорий этишга уринишлар тўлиқ натижа бермади. Аудиторларни тайёрлаш ва ўқитиш жараёнлари жуда мураккаб. Хитойда аудитор ташкилотлари мустақил ривожланиш тарафдори ва бу қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган. Осиёнинг ривожланган мамлакатларида аудитор бўлишни истаган фуқаролар кўп йиллар давомида малака оширишлари ва иш тажрибасига эга бўлишлари, шунингдек, жуда қийин имтиҳонларни топширишлари керак.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, Америка ва Осиё давлатларида аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг турли моделлари ишлаб чиқилган. Ҳар бир мамлакатдаги аудит тизими ўз иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

Америка мамлакатларида аудиторлик хизматлари сони анча кўп ва уларнинг фаолияти шунчалик кенг тарқалганки, бу халқаро бухгалтерия фирмаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса, ушбу мамлакатларда аудитнинг ривожланиши босқичма-босқич такомиллашиш характериға эга эканлигини кўрсатмоқда.

Осиё мамлакатларида аудит етарли даражада ривожланган бўлиб, аудиторлик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда халқаро амалиётни ҳисобга олиш зарур. Бу мамлакатларда аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифалари сифатида корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш киради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш орқали миллий аудит тизимини такомиллаштириш учун, албатта, малакали аудиторларга эҳтиёж сезилмоқда. Улар ҳар доим ва ҳамма жойда керакли бўлгани учун, бу касбга талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Arens, A.A., Elder, R.J. and Beasley, M.S. (2014) *Auditing and Assurance Services: An Integrated Approach*. 15th edn. Boston: Pearson.

Flint, D. (1988) *Philosophy and Principles of Auditing*. Basingstoke: Macmillan Education.

Hayes, R., Wallage, P. and Gortemaker, H. (2014) *Principles of Auditing: An Introduction to International Standards on Auditing*. 3rd edn. Harlow: Pearson Education Limited.

Humphrey, C. (1997) 'Debating Audit Expectations', *Accounting, Auditing & Accountability Journal*, 10(2), pp. 125–130.

IAASB (2023) *About IAASB*. International Auditing and Assurance Standards Board. Available at: <https://www.iaasb.org/about-iaasb> (Accessed: 9 September 2025).

IFAC (2019) *5 Key Factors to Enhance Audit Committee Effectiveness*. International Federation of Accountants. Available at: <https://www.ifac.org/knowledge-gateway/discussion/5-key-factors-enhance-audit-committee-effectiveness> (Accessed: 9 September 2025).

ISO (2018) *ISO 19011: Guidelines for auditing management systems*. International Organization for Standardization. Available at: https://en.wikipedia.org/wiki/ISO_19011 (Accessed: 9 September 2025).

Porter, B., Ó hÓgartaigh, C. and Baskerville, R. (2012) *Audit Expectation-Performance Gap in the 21st Century: The International Evidence*. London: Routledge.

The IIA (2020) *Core Principles for the Professional Practice of Internal Auditing*. The Institute of Internal Auditors. Available at: <https://www.theiia.org/en/standards/what-are-the-standards/core-principles/> (Accessed: 9 September 2025).

The IIA (2024) *Attribute Standards*. The Institute of Internal Auditors. Available at: <https://www.theiia.org/en/standards/what-are-the-standards/mandatory-guidance/standards/attribute-standards/> (Accessed: 9 September 2025).